

Сийрат дарслари (96-дарс). Қачон жанозани кўрсангиз, ўрнингиздан туринг!



15:14 / 31.07.2020 4680

392. Омир ибн Робиъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирингиз жанозани кўрса, агар у билан бирга юрмаётган бўлса, у жанозадан ўтиб кетгунча ёки жаноза олдидан ўтиб кетгунча ёхуд жаноза қўйилмагунча ўрнидан турсин»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

393. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қачон жанозани кўрсангиз, ўрнингиздан туринг. Ким унга эргашиб борса, ерга қўйилмагунча**

Ўтирмасин», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

394. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бир жаноза ўтган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ўринларидан турдилар ва биз ҳам турдик. Шунда биз: «Эй Аллоҳнинг Расули, у яҳудий-ку!» дедик. **«Албатта, ўлим даҳшатли нарсадир. Қачон жанозани кўрсангиз, ўрнингиздан туринг»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан